

Жойларда маҳалла фуқаролар йиғини ўз ҳудудида жойлашган қадам-жоларнинг, зиёратгоҳларнинг ободлиги, тартиб-интизоми, сақланиш ҳолатини назорат қилиш ваколатига эгами? Зиёратгоҳларга қўйилган қўриқчиларнинг вазифаларига нимаҳар қиради?



Ҳаётда турфа тоифали кишилар учрайди. Гоҳ кўринишидан содда-ди, самимийдек кўринганлари ҳам таниш-билишига шундай фариб бериб кетадики, уларга қай тарзда алданиб қолганини билмайсан ҳам...



Mustaqillik huquq demakdir

Ишқ



1997-yil 27-avgustdan chiqra boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2011-yil 25-avgust, №34 (763)

Мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилиши

2011 йил 19 августда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Олий суд ва Адлия вазирлиги масъул ходимлари иштирокида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Мувофиқлаштирувчи Кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

Кенгаш йиғилишида дастлаб-ки тергов жараёнида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар, Адлия, Мудофиа вазирликлари, Давлат божхона ва Солиқ қўмиталарининг 2010 йил 22 октябрдаги қўшма қарори билан тасдиқланган "Суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳоамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома ижроси ҳамда қўйилган муҳофаза қилувчи органлар ва назорат идоралари ходимлари-

нинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳақидаги ариза ва хабарлар ҳал этилишининг қонунийлиги, бу тоифадаги жиноят ишларининг тергов, инсон қадр-қимматини камситиш, қийнок, таъзия ўтказиш тўғрисидаги муҳоаатларни ўрганиш натижалари муҳоама қилинди.

Йиғилишда тергов қилинган жиноят ишлари бўйича жиноятнинг сабаблари, унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф қилиш чоралари қўрилганлиги, ашёвий далилларни сақланишига оид Йўриқнома талаблари асосида ишлар ташкил этилганлиги, бироқ бу борада ҳамон камчиликларга йўл қўйилганлиги инобатга олиниб, бу йўналишдаги прокурорлик назоратини янада қучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофа-

за қилувчи органлар ва назорат идоралари ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилиши ҳолларига барҳам бериш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилганлигини эътироф этиш билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат идоралари ходимлари томонидан содир этилган жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларининг олдини олиш борасида маҳкамавий ва прокурорлик назоратини янада қучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилиши якунида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ушбу соҳалардаги фаолият самарадорлигини ошириш юзасидан масъул идоралар олди-га қатъий талаб қўйилди ҳамда тегишли қарор қабул қилиниб, жойларга ижро қилиш учун юборилди.

О.НАБИЕВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи



Бухоро шаҳри

Мустиқликнинг ўтган 20 йиллик тақвими арақланганда амалга оширилган ишларнинг нечоғли завороти, қўламини ва мазмунини оламшумул эканлигини кўриш мумкин. Истиқлол тўғрисидаги йилликлар тарихини нафис нақшларга замонавийлик билан уйғунлашган обидалар тимсолида, шунингдек, "Қўҳна ва боқий Бухоро", "Бухоро" халқаро аэропорти каби иншоотлар қиёфасида биздан озода ва обод Батан қолаётганлигининг яққол намунаси муҳасам эмасми?!

Қонун устуворлиги – тараққиёт кафолати

Икромжон ПАЛВАНОВ,
Бухоро вилоят прокурори ўринбосари

Одамлар чехрасида шукроналик зоҳир. Эрки, озодлиги, ҳақ-ҳуқуқи қўлида. Яхши яшаши, ўқиши, даволаниши, ишлаши, иқтидор ва салоҳиятини намоён этиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

Ҳуқуқий маданият, маънавияти юксалган, халқ, миллат бўлиб шаклланган, мустиқил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида муносиб обрў ва мавқега эга Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси қонун ҳимоясида. Асосийси, бугун прокуратуранинг жазолашчи орган, судни жазо механизми деб эмас, балки инсон ҳуқуқларининг ишончли, адолатли ҳимоячиси деб билишади.

Ҳа, прокуратура халққа яқинлашди. Фуқаролар ўзларини қийнаётган муаммолар ечимини ҳал қилиш учунгина эмас, балки жамият тараққиётига тўқинлик қилаётган ғайриқонуний ҳолатларни бартараф этишни сўраб ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига муҳоаат қилишга одатланишди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, иқтисодиётни эркинлаштириш, аҳоли, ҳусусан, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш, иқтисодиётга тобора кириб келаётган тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, қишлоқ хўжалиги ҳамда суд-ҳуқуқ соҳаларида ислохотларни жадаллаштиришга доир қонунлар, Президент Фармонлари ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари бажарилишини таъминлаш каби вазифалар прокуратура органлари зиммасига юклатилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан олди-га қўйилган вазифаларни амалга оширишда, шунингдек, ишларни ташкиллаштиришда Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма йиғилишидаги "Мамакатимизда демократик ислохотларни янада қучуқлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ижросига устувор аҳамият қаратилди.

Вилоятда қонунларнинг ҳуқуқ этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш борасида ўтказилган 833 та текширишлар натижасига қўра 12 мингдан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Протест келтириш йўли билан 1023 та қонунга зид ва асоссиз ҳуқуқий ҳужжатлар қонунларга мувофиқлаштирилди. Прокуратура органлари томонидан фуқаро, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида фуқаролик ва ҳўжалик судларига 9,4 млрд. сўмдан ортиқ 886 та даъво аризалари киритилишининг таъминланиши ҳам жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тафаккурнинг юксалганлигидан далолатдир.

[Давоми 4-бетда]

Халқ фаровонлиги йўлида

Бугун мамлакатимиз мустиқлигининг тарихан қисқа даврига назар солсак, жамият ҳаётининг барча жаҳаларида қўлга киритилган улкан ютуқларнинг гувоҳи бўламиз. Юрт равнақи, эл фаровонлигини қўлаб олиб борилаётган илмий-ислохотлар шубҳа йўқки, барча соҳани кенг қамраб олди. Биринча ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация қилиш, техника ва технология жўлатдан янгилаш, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик йўналиши борасида амалга оширилаётган ишлар бу борадаги фикрларимизнинг исботидир.

Ч.ЕСЕРГАПОВ,
Бош прокуратура бўлим бошлиғи

Тадбиркорлик субъектларига қўлай шарт-шароит яратиш, уларга яқиндан қўмаклашиш ва ҳуқуқий эркинлигини таъминлаш мақсадида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик йўналиши иқтисодиётимизнинг мустиқил ва муҳим сектори сифатида шаклланди. Мазкур ислохотлар самараси ўлароқ, солиқ тизими тубдан ўзгарди. Ортиқча ҳужжатбозлик, кети йўқ текширишларга барҳам берилди. Ислохотлар натижасида охириги беш йилликда кичик бизнес субъектлари сони 145 мингтага ошиб, ҳозирги вақтда 454 мингтага ташкил этмоқда. Янги ички маҳсулотда уларнинг улуши 38 фоиздан 52,5 фоизга ошди.

"Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида ҳусусий тадбиркорликка оид қонунчиликни такомиллаштириш, бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш кўзда тутилди. Шунга қўра, жорий йилнинг 4 апрелида қабул қилинган Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини текширишлари янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан бир қатор янги меъёrlар киритилди. Фармонга мувофиқ, жорий йилнинг апрель-декабрь ойларида солиқ идоралари томонидан текширилиши мўлжалланган 3780 та кичик бизнес субъектларидан 798 таси ёки 21 фоиз режадан чиқарилди. Шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш мuddатларининг 30 календарь кунидан ортиқ мuddатга узайтирилишига йўл қўйилмаслигини белгиловчи тартиб ўрнатилди.

Юқорида яратилган қўлайликлардан ташқари, Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан тадбиркорлик субъектларига қўшимча енгилликлар яратилди. Қарорга биноан, 1 июндан бошлаб пластмасса, лак-бўёқ, маиший-кимё, пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби, жами 44 та фаолият тури бўйича кичик корхоналарда ўртача йиллик ходимлар сонининг амалдаги 21 тадан 50 тагача чегаравий микдори 21 тадан 100 тагача қўлайлаштирилди. Бу ўзгариш, биринчидан, ушбу фаолият турлари билан шуғулланиб келаётган кичик корхоналарда ишчилар сонини қўлайлаштириш эвазига ишлаб чиқариш ҳажминини янада оширишга имкон яратди, иккинчидан, ходимлар сони бўйича шу вақтгача йирик корхоналар сифатида фаолият кўрсатиб келаётган хўжалик қиритувчи субъектларга солиқ солишининг соддалаштирилган тизимини танлаш ҳуқуқини беради.

[Давоми 3-бетда]

Фарзандлар тарбияси учун масъуллик

Юртимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини мустақамлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар алоҳида эътиборга молик. Амалга оширилаётган чоралар натижасида мамлакатимизда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг камайиш тенденцияси кузатишмоқда. Жумладан, 2000 йилга нисбатан ўтган 2010 йилда болалар жиноятчилигининг 19,8 фоизга, жиноят содир этишда иштирок этган вояга етмаганлар сони эса 12,2 фоизга камайганининг ўзиёқ бунга мисол бўла олади.

Айни вақтда мамлакатимизда вояга етмаганлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳолларининг олдини олишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, бунинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда.

Фикримизнинг исботи сифатида кейинги йилларда қабул қилинган янги қонунлар сирасидан бўлиш "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг

профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 188-модда (вояга етмаган шахснинг тунги вақтда ота-онасидан бирининг ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз кўнгил очиш (дам олиш) жойларида бўлишига йўл қўйиш учун жавобгарлик) билан тўлдирилишини келтиришимиз мумкин.

Ушбу қайд этилган қонунлар

Улуғбек ТОШЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
бўлим бошлиғи

ижросини таъминлаш борасида республикада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг 2010 йил 20 октябрдаги қарорига мувофиқ, тунги вақтларда дам олиш масканларида вояга етмаганлар ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахслар кузатувисиз юришларининг олдини олиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа мутаассиди идоралар ходимларидан иборат ички гуруҳлар тўзилиб, ушбу гуруҳлар томонидан ўтган йилнинг октябрь-декабрь ойла-

ри ҳамда жорий йилнинг март-июнь ойларида бир неча тадбирлар ўтказилган.

Ўтказилган тадбирлар домида аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан дам олиш масканлари раҳбарларига нисбатан МЖТКнинг 188-моддасига асосан, вояга етмаганларнинг ота-онаси ёки унинг ўрнини босувчи шахсларга нисбатан МЖТКнинг 47-моддасига асосан ҳужжатлар тўпланиб, қонун устуворлиги таъминланган. Ушбу ўтказилган тадбирлар натижасида пойтахтимизда қайд этилган ҳуқуқбузарликлар сони бир мунча камайишига эришилганлиги кузатилди.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳар прокуратурасининг ташаббуси билан Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган барча дам олиш масканлари, шу жумладан, компьютер заллари ва интер-

нет тармоғидан фойдаланиш муассасалари раҳбарларига "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддаси ва МЖТКнинг 188-моддасининг моҳияти тушунтирилди.

Ўтказилаётган тадбирлар жараёни Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан доимий назоратга олинган.

Мамлакатимиз келажаги ёшлар қўлида деймиз. Шундай экан, эртаннинг эгаси бўлиши маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш биз учун миллий эҳтиёжгина эмас, балки умумдавллат аҳамиятига эга бўлган гоят долзарб масала эканлигини, бунинг учун барчамиз бирдек масъул эканлигимизни бир зум бўлса-да унутмаслигимиз шарт.

Тарғибот самараси

Ўтган шарафли 20 йил мобайнида миллий истиқлол мафкураси янада шакллантирилди. Иجتимоий-ҳуқуқий, сиёсий ҳаёт, фан, санъат, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда спорт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги ўзининг амалий натижасини бермоқда. Май ойида Термиз шаҳрида ўтказилган "Баркамол авлод-2011" спорт мусобақалари бунга ёрқин мисоллар.

Ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш ҳамда жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш ишлари муҳим аҳамият касб этишини яхши биламиз. Бу борада эса оммавий ахборот воситаларининг роли беқийс.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Аввало, уларнинг демократик, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнидаги иштирокини таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, юртимизда эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлидаги энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Президент Фармонлари ва Ҳукумат қарорларининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, тушунириш ҳамда тарғиб қилиш қонунийлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида, фуқароларни қонунларга ҳурмат ва қонун устуворлигига ишонч руҳида тарбиялаш-

Музаффар МАМАТМУРОВО,
Сурхондарё вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

да иштирок этиш прокуратура органларининг муҳим вазифаси этиб белгиланган. Шундай экан, прокуратура органлари ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлиги бу борада катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Сурхондарё вилоят прокуратура органларида ҳам оммавий ахборот воситалари орқали ва бошқа тарғибот тадбирларининг сифати ва самарадорлигига доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Қонунбузилиши ва жиноятларнинг сабаблари ҳамда уларни келтириб чиқарган шарт-шароитлар очик-ойдин намойиш этилиб, уларни бартараф этиш борасидаги аниқ фикр-мулоҳазалар ҳам ўртага ташланмоқда.

Аҳоли, меҳнат жамоалари, ўқувчи ва талабалар ўртасида тушунириш ва тарғибот ишлари кучайтирилиб, янги қабул қилинган қонунларни тарғиб қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари таъминланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу тадбирларни ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида мунтазам ўтказиб бориш таъминланган.

Айни қунларда мамлакатимизнинг ҳамма гушаларида Мустақилликнинг йигирма йиллиги кенг миқёсда нишонланмоқда. Шундай шукли онларда давлатимиз раҳбарининг қуйидаги юксак ватанпарварлик туйғуларига йўғрилган сўзларини яна бир бор такрорлаш ўринлидир: "Албатта, ҳақон кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакор она юртимиз, Ўзбекистон яқка-ю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган. Мана шу улуг туйғу ҳар биримизнинг дилимизда ҳо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланишини истардим".

Давра суҳбати

Ўтаётган ҳар дақиқа буюк ва муқаддас Ватанимиз — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги шодёнасига яқинлаштирмоқда. Энг улуг ва энг азиз байрамимизни ўзгача шукҳ билан қутиб олиш ва ўтказиш мақсадида "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" шiori остида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида катта тайёргарлик ишлари олиб борилмақда. Жойларда истиқлол байрамига бағишланган тадбирлар, семинар-тренинглар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Шу муносабат билан ўтган ҳафтада Навоий ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб, "Мустақиллик йилларида давлатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва унинг жамият ривожланишида тўтган

ўрни" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Давра суҳбатида юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг мазмун-моҳияти, 20 йиллик ривожланиш босқичлари ва улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, юртимизда истиқлолнинг илк

Б.РАЖАБОВ,
Навоий ҳарбий прокуратураси
терговчиси

даврдан бошлаб, Қуролли Кучлар тизими ислох қилиниши натижасида қучли, Ватанимизнинг тинчлик-оқойишталигини таъминлайдиган ҳар жиҳатдан қудратли армияга эга бўлганимиз, мард ўғлонларимиз шу муқаддас юрт тупроғини кўз қорачиғидай асрашга қодир ватанпарварлик руҳида тарбияланаётгани алоҳида эътироф этилди.

62 нафар шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар ва 425 нафар СЧР хизматчилари иштирокида ташкил этилган давра суҳбати қизгин савол-жавобларга бой бўлди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси — маърифатли, маданиятли, шу маҳалла фуқаролари учун тиним билмай меҳнат қилдиган киши бўлиши керак. Мана шундай ҳақнинг ишончига эришган кишиларни одамлар маҳалла фуқаролар йиғини раислигига сайлашади. Ойбек Ходжамонов ҳам кишилар не-не умиларда Нуробод туман "Улус" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли "Хазармали" маҳалла фуқаролар йиғини раислигига сайланган. Бошида эл-юрт ташвишини ўз ташвиши деб билган Ойбек Ходжамонов маҳаллошларига қўнлан ёрдам бера бошлади. Кишиларнинг ишончига кириб олгач эса, текинга мушук офтобга чиқмас қабилда иш юритишга ўтди.

Маҳалла раиси 2007 йил 17 сентябрь кунин Ю.Кулмировни "Хазармали" МФЙга қарашли Хазармали қишлоғида доимий яшашлиги ва 31-сонли умумтаълим мактабиди ўқити ҳақида маълумотнома ёзиб берган. Маълумотномада Ю.Кулмировнинг ўрнига акаси Б.Шониевнинг фотосурати ёпиштирилганлигини била туриб, фотосурат устидан МФЙнинг юмалоқ муҳрини босиб, суратдаги шахс Ю.Кулмиров эканлигини тасдиқлаган. Оқибатда Б.Шониевнинг укаси Ю.Кулмировнинг тугилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси ушбу қалбаки маълумотнома ва ўзининг фотосуратларини Нуробод туман ИИБ ПБга тақдим этиб, Ю.Кулмиров номига СЕ 2497591 рақамли фуқаролик паспортини олишга эришган. У қалбакилаштирилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти билан 2007 йил ноябрь ойда Озарбайжон Республикаси орқали Туркия давлатига чиқиб кетган.

Ойбек Ходжамонов ўз мансабидан фойдаланиб қолишининг бошқа йўллари ҳам топган. У шу маҳаллада яшовчи Холбой Ҳужамуродовга 16 ёшга қадар бўлган фарзандлари учун маҳалла томонидан тайинланган нафақани чиқариб бериш эвазига ундан 40 минг сўм пул беришни талаб қилган. 2010 йилнинг 5 февраль кунин у ўз хизмат хонасида 40 минг сўм пулни пора тариқасида олиб, унга 6 ой муддатга нафақа тайинлаб берган.

Шунингдек, маҳалла раиси Р.Тўхтаевдан 16 ёшга қадар бўлган фарзандлари учун нафақа чиқариб бериш эвазига ундан 50 минг сўм пул олган. Кейинроқ, Р.Тўхтаев маҳалладан оиласининг иқтисодий аҳоли қийинлиги сабабли моддий ёрдам беришларини сўраб муурожаат этган. О.Ходжаев моддий ёрдам чиқариб бериш эвазига ундан 90 минг сўм олиб, 5 ой муддатга моддий ёрдам пули тайинлаб берган.

Қўндан-қўнга тамагирга айланиб бораётган раис маҳалладан моддий ёрдам беришларини сўраб муурожаат этган

Адашган оқсоқол

Толлобй ТУРДИМОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси
бўлим прокурори

Р.Қариевдан илтимосини рад этмаслик эвазига 45 минг сўм сўраган. Ундан ҳам пул олиб, сиздан угина, биздан бугина қабилда иш тугган.

Ўзига ортиқча бино қўйиб бораётган маҳалла раиси мансаб ваколатини суистеъмоли қилиб, ҳеч қандай ишончномасиз Ш.Хайитова номига фарзандлари учун тайинланган 37 680 сўм, М.Бобокороева номига тайинланган 74 602 сўм моддий ёрдам пулларининг тўлов ведомостига ўз имзосини қўйиб, пуллари олган.

Унинг кейинги кирдикорлари юқоридагиларидан ҳам ошиб тушган. О.Ходжамонов тизимдаги "Олга" ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси, "Исма" фермер хўжалиги раиси ва "Мулки Темур Малик" фермер хўжалиги раислари билан тил бириктириб, улардан бўш, тоза оқ қозғаларга ширкат, фермер хўжалиқларининг тамғаси ва юмалоқ муҳрини бостириб олган. Муҳр босилган бўш бланкаларга сохта маълумот ва ёзувлар кириштириб, маҳаллада яшовчи 11 нафар фуқарога 3 млн. 688 минг 092 сўмлик моддий ёрдам ва ижтимоий нафақалар тайинлаган.

Бу каби сохталарга қўл урган маҳалла раиси вақти келиб қилмишлари учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлигини ўйлаганида, суднинг қора курсисига ўтирмаган, эл-юрт олдида уятга қолмаган бўларди.

Олмоннинг бермоғи бор, деганларидек, Ойбек Ходжамонов суд ҳукми билан 3 йил муддатга мансабдорлик лавозими билан боғлиқ ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолда 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Халқ фаровонлиги йўлида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Амалиётга жорий этилган бу янгиларнинг афзалликлари шундан иборатки, қарорда кўрсатилган фаолият турлари билан шуғулланувчи корхоналар олдин ҳар ойда тақдим этиб келаётган 12 та ҳисобот ўрнига эндиликда ҳар чорак якуни билан 4 та ҳисобот тақдим этадилар. Бу аввалги ҳолатлардан бир неча баробар соддалашганидан далолат беради.

Умумбелгиланган солиқ тўловчи ҳар ойда тўлаб келаётган 9 та тўлов ўрнига, энди кичик бизнес субъекти сифатида ҳар чорак якуни билан фақат бир маро-таба ягона солиқ тўловини амалга ошириш ҳамда ҳар ойда тўланаётган маблағларини чорак давомида айланма маблағлар сифатида ишлатиш имконияти яратилди.

Қарорга мувофиқ, 2011 йилнинг 1 июнидан янги ташкил этилаётган масбулият чекланган ҳамда қўшимча масбулиятли жамиятлар учун устав жамғармасининг микдори амалдаги энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан кўра бараварига туширилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда:

давлат божи ставкаси олдинги энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари ўрнига бир баравари микдоридан белгиланиши, йилига ўртача давлат рўйхатидан ўтаётган 41 мингта янги корхоналар ихтиёрида 2 млрд. сўм қолдири-лишига олиб келади. Бундан ташқари, намунавий таъсис ҳужжатлари асоси-да амалга ошириш мумкинлиги белги-ланди. Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга тақдим этила-диган таъсис ҳужжатлари бўлиб, устав ёки таъсис шартномаси ва устав ёки фақат таъсис шартномаси, бунда масъу-лиятли чекланган ҳамда қўшимча масъу-лиятли жамиятлар учун — таъсис шарт-номаси ва устав, акциядорлик жамият-лари, хусусий корхоналар, фермер ҳўжа-ликлари ҳамда юридик шахс бўлган деҳқон ҳўжаликлари учун — фақат ус-тав ҳисобланади. Шу билан бирга, таъсис ҳужжатларини нотариал тасдиқлан-ган ҳолда тақдим қилиш талаблари бе-кор қилинди. Аввалги, яъни амалдаги тартибга кўра, тадбиркорлик субъект-лари юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтиш жараёнида рўйхатдан ўтказувчи органга шахсан келиб ёки почта орқали ариза тақдим этиши ва унга давлат тилидаги таъсис ҳужжатларининг бел-гиланган тартибда нотариал тасдиқлан-ган икки асл нусхаси тақдим этилиши лозим эди. Эндиликда, ҳужжатларни но-тариусдан тасдиқлаштиш учун ортқича вақт ва маблағ сарфлаш зарурати қол-майди.

Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида қабул қилинган ҳужжатлардан яна бири Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат солиқ хизмати органлари то-монидан солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатишни янада тақомилла-штириш борасидаги қўшимча чора-тад-бирлар тўғрисида"ги Қароридир. Бунинг натижасида Давлат солиқ хизмати ти-зимига ахборот-коммуникация техноло-гияларини ривожлантиришга катта эъти-бор қаратилаётган. Натижада, барча ҳуду-дида Давлат солиқ бошқармалари ва ту-ман (шаҳар) Давлат солиқ инспекцияла-рида оптик толали алоқа жиҳозлари ўрнатиб, ишга туширилди.

Қарорнинг асосий моҳияти шундан иборатки, унда Давлат солиқ хизмати органларининг маълумотлар базасини ягона маълумотлар базасига биришти-риш, Давлат солиқ хизмати органлари-га маълумотлар тақдим этувчи идора-лар билан маълумотларни фақат элек-трон шаклда айирбошга ҳамда солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини ўз вақтида, тўлиқ бажаришларига қўмақла-шиш, уларга ахборот хизмати кўрсатиш-ни янада тақомиллаштиришнинг кенг қўламли чора-тадбирлари белгиланган. Мазкур қарорга мувофиқ, 2011-2012 йил-ларда Давлат солиқ хизмати органлари-нинг ягона маълумотлар базасини яра-

тиш кўзда тутилган бўлиб, унинг техник асосини Давлат солиқ қўмитасининг маълумотларни қайта ишлаш маркази ташкил этади.

Маълумотларни қайта ишлаш маркази ташкил этилиши билан тегишли идо-ралар томонидан Давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчиларнинг маж-буриятлари юзга келганлиги тўғриси-да ахборотларни фақат телекоммуника-ция каналлари орқали тақдим этиш тар-тибига босқичма-босқич ўтиш имкония-ти яратилади. Масалан, лицензия ёки бошқа рўхсат этувчи ҳужжатлар беради-ган органлар томонидан лицензия ёки бошқа рўхсат этувчи ҳужжатлар, шунинг-дек, мазкур ҳужжатлар бекор қилинган-лиги, уларнинг амал қилиши тўхтатиб ту-рилганлиги ёки тўғатилганлиги тўғри-сида маълумотлар;

"Ерғодездехадстр" давлат қўмитаси томонидан кўчмас мулк ва унинг мулк-дорлари (эгалари) тўғрисида мазкур кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотлар;

Адлия вазирлиги, давлат нотариал идоралари томонидан кўчмас мулк ижа-раси шартномаси тасдиқланганлиги ва ижара ҳақи микдори, шунингдек, мерос қилиб олиш ёки ҳада тарзида фуқаро-ларнинг мулкига ўтаётган мол-мулк қи-ямти тўғрисида маълумотлар;

Давлат божхона қўмитаси томонидан экспорт-импорт операциялари, шунинг-дек, товарлар ҳаракати ҳақидаги маълумотлар тақдим этилиши белгиланган.

Давлат солиқ қўмитасининг ташкил этилаётган ягона маълумотлар базаси солиққа тортиш ва солиқ маъмуричилиги масалаларига оид ахборот алмашинуви-ни тезлаштириш ҳамда уни қайта иш-лаш билан биргаликда солиқ тўловчилар-га кўрсатилаётган интерфас ҳизматлар қўламини янада кенгайтириш, тадбир-кор ўз офисидида ўтирган ҳолда:

солиқларни банкка бормаган ҳолда электрон каналлар орқали тўлаш им-конияти яратилади ва ундан фойдаланиш учун электрон рақамли имзо олиниши киёф бўлади;

солиқларни тўлаш мuddатлари, со-лиққа оид мажбуриятларнинг бажарил-маганлиги ёки ўз вақтида бажарилма-ганлиги учун жавобгарлик чораларидан солиқ тўловчиларини электрон шаклда хабардор қилиш механизми амалиётга жорий этилади;

тўланган солиқлар, мажбурий тўлов-лар, молиявий жарималар ва пенялар, ортқича тўлов суммалари ҳамда солиқ қарзи ҳақидаги маълумотли олиш им-конияти яратилади.

Солиқ тўловчиларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятлари, шунингдек, со-лиққа оид мажбуриятларини бажарма-ганлиги ёки ўз вақтида бажармаганли-ги учун жавобгарлик чораларидан теле-коммуникация каналлари орқали хабар-дор қилиш механизми амалиётга жорий этилади.

Мамакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш ва тад-биркорлик учун қулай шароитларни яратиш ҳақида биринчи даражали ўс-тувор вазифа бўлиб келган. Шунли ало-ҳида таъкидлаш лозимки, бугун ис-талган фаолиятни амалга ошириш учун барча имкониятлар мавжуд. Шу билан бирга, амалдаги қонунларимиз қонун-га итоаткор, солиқларни ўз вақтида тўлаб келаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлайди.

Давлатимиз томонидан яратилаётган бундай имкониятлардан барча тадбир-корларимиз унумли фойдалансинлар. Ақинча, солиқлардан қочиб, қонунқий фаолият билан шуғулланиши кўзлаган "тадбиркорлар" эса белгиланган тартиб-да жавобгарликка тортиладилар.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, яра-тилаётган барча қулайлик ва шароитлар-дан оқилона фойдаланиб, барқарор ри-вожланишга эришиб, жаҳон бозорлари-да мустақам ўрин эгаллаб, халқимизнинг турмуш даражасини янада оширишга хизмат қилишларингизга ишонамиз.

Шу кунларда мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги кенг таъана қилиниш билан бирга, истиқлол йилларида амалга оширилган ислохотлар, эришилган ютуқлар таҳлил қилинмоқда. Шубҳасиз, ушбу муваффақиятлар-да прокуратура органларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Прокуратура 20 йил давомида қараловчи орган эмас, қонун ҳимоячиси сифатида шаклланди, халқнинг ҳурматига сазовор бўлди.

Қонун мустақкам кўрғондир

Хоразм вилоят прокурори ўринбосари Шўхрат Абдуллаев билан суҳбатимиз прокуратура органларининг мустақилли-кни мустақамлашдаги ўрни ва роли, вилоят прокуратураси томонидан қонунийлиги таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусуси-да бўлди.

— Бугунги шўхули кунларда қўлга киритилган муваффақиятларни тилга олар эканмиз, қалбимизда фахр ва ғурур туйғулари жўш урмоқда. Буни прокуратура органлари фаолиятини таҳлил қилиш мисолида ҳам кўриши-миз мумкин. Хоразм вилоят прокурату-раси органлари томонидан фуқаро-ларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонунлар ижросини таъ-минлаш юзасидан амалга оширила-ётган ишлар хусусида билишни истар-дик.

— Хоразм вилоят прокуратураси органлари томонидан ислохотлар са-марадорлиги, қонун устуворлигини таъминлаш юзасидан қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Қонуний-ликини мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва дав-лат манфаатларини ҳимоя қилиш соҳа ходимларининг виждон амрига айлан-ган. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсам, йилнинг ўтган даври мобай-нида қонунлар ижроси юзасидан 238 та текшириш ўтказилиб, натижалари-га кўра 2799 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Хусусан, қонунбузилишининг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкон бе-рувчи шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида ваколатли идоралар ва мансабдор шахсларга 487 та тақ-димнома киритилди. 590 нафар шахс келгусида қонунбузилишига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирилиб, 931 нафари интизомий ва 406 нафари маъмурий, 13 нафари эса моддий жавобгарликка тортилди. Қўпол қонун-бузилишлари юзасидан 24 та жиноят иши қўзғатилди.

Шунингдек, фуқаролик судларига 659,1 млн. сўмлик 92 та, ҳўжалик суд-ига 43,6 млн. сўмлик 16 та прокурор аризалари киритилиб, етказилган 27,3 млн. сўмлик зарарларнинг айб-дор шахслардан ихтиёрий равишда ўндирилиши таъминланди.

— Истиқлол йилларида лўғатимиз-га ва ҳаётимизга "тадбиркор" атамаси кириб келди. Эндиликда тадбиркор-ларимиз турли соҳаларда фаолият кўрсатиб, ўз иқтидор ва қобилият-ларини эл-юрт раванкига сафарбар эт-моқдалар. Уларнинг ҳуқуқ ва манфа-атларини ҳимоя қилиш борасида қан-дай ишлар амалга оширилмоқда?

— Дарҳақиқат, истиқлол йилларида тадбиркорлик мисли қўрилмаган да-ражада ривожланди. Авваллари юрт-дошларимиз тадбиркорлик деганда фақат савдо-сотиқни тушунган бўлса-лар, эндиликда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, маҳаллий маҳсулотлар-ни қайта ишлаш, саноатни шаклланти-ришни қўллаб фаолият юритмоқда-лар. Умуман, бугун барча соҳаларда, керак бўлса, тиббиёт ва таълимда ҳам тадбиркорлик билан иш кўраётган фуқаролар кўпчилигини ташкил қилади. Эл-юрт раванки, мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишида уларнинг хизмати катта бўлмоқда.

Вилоят прокуратураси томонидан тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида муайян иш-лар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фа-олияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа қонун-ости ҳужжатлари ижроси юзасидан маҳаллий давлат ҳокимликлари, сав-до-саноат палатаси ва тижорат банк-ларининг тадбиркорларга кредитлар

ажратиш борасидаги фаолияти му-тахассисларни жалб қилган ҳолда ўрганилди.

Шунингдек, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш мақ-садига ташкил қилинган ишонч теле-фонларига бўлаётган мурожаатлар асосида уларнинг ҳуқуқлари ҳимоя-ланмоқда. Жойларда тадбиркорлар, тадбиркорликка қўл уриш иштиёқиди-ги фуқаролар билан учрашувлар таш-кил қилиниб, уларни қизиктирган са-волларга жавоблар қайтарилмоқда, соҳага доир қонунлар тарғиб-ташвиқ қилинмоқда.

— Ҳар қандай давлат келажагини белгилашда ёш авлод тарбиясига, уларнинг қомил инсонлар бўлиб воя-га етишида кўрсатилаётган ғамхўр-лигининг аҳамияти беқиёсдир. Шу боис ҳам мамлакатимизда истиқлол-нинг илк даврлариданок баркамол авлодни вояга етказиш масаласига давлат сиёсати даражасида қаралди. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда амалга оширилаётган ишларни яна бир қарра таҳлил қил-сак.

— Албатта, келажагимиз ворисли-ри саналмиш ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш дол-зарб аҳамиятга эга. Вилоят прокурату-раси мутасадди идоралар билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ўрта-сида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар со-дир этилишининг олдини олиш ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъ-минлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Йилнинг ўтган даврида 84 нафар қаровсиз қолган болалар аниқланиб, 10 нафари "Меҳрибонлик уйи"га, 29 нафари вазийликка, 13 нафари ҳомийликка берилди. 9 нафари мак-табга қайтариллиб, 3 нафари ота-она-сига топширилди. 1 нафари мактаб интернатга ва 10 нафари вояга етма-ганларга ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилди ҳамда 9 нафари махсус мактаб ва касб-хунар коллежларига ўқишга юбо-рилди.

Давлат ва жамоат ёрдамига мўҳтож бўлган 4966 та кам таъминланган оила аниқланиб, уларга, жумладан, фар-зандларига 2143,9 млн. сўмдан ортқ моддий ёрдам кўрсатилди. Ногирон болаларни ижтимоий реабилитация қилишга ва уларга таълим-тарбия бе-ришга алоҳида эътибор қаратилди. 7554 нафар вояга етмаган ногирондан 5154 нафари таълим-тарбия оломда, шулардан 1422 нафари махсус мак-таб ва санаторий типидидаги ихтисос-лаштирилган интернатларда ҳамда 863 нафари яққа ҳолда уйларида ўқитил-моқда. Ногирон болаларга нафақа та-йинлаш қонунда белгиланган тартиб-да амалга оширилиб, ўтган давр мо-байнида ҳисобда турган ногирон бо-лаларга 4409,3 млн. сўмдан ортқ на-фақа пуллари тўланди.

Шунингдек, турли ташкилотлар бил-ан ҳамкорликда вояга етмаганлар-нинг беш вақтларини мазмунли таш-кил қилиш, уларнинг дунёқарашини бойитиш, Ватанга муҳаббат, аждодлар жасорати ва мероси билан фахрла-ниш туйғуларини шакллантириш мақ-садига кўлаб маданий-маърифий тадбирлар уюштирилиб келинмоқда.

Ёзги мавсумда ўқувчи-ўқиларни дам олдириш ва соғломлаштириш билан боғлиқ ишларни тақомиллашти-риш мақсадига вилоятда 40 та бо-лалар оромгоҳлари фаолият кўрсатиб, уларда 12070 нафар болалар дам ол-дилар.

(Давоми 7-бетда)

Қонун устуворлиги — тараққиёт кафолати

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши муносабати билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, бундай фаолиятни ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасидаги қонунлар ижросига алоҳида аҳамият берилди. Бош прокурорнинг 2011 йил 9 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини қучайтириш тўғрисида"ги 87-сонли буйруғида қайд этилган талаблар ижроси юзасидан мунотазам равишда назорат тадбирлари амалга оширилмоқда.

Ўтказилган тадбирларда 121 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга доир қонун талабларини бузиш ҳолатлари юзасидан 180 та прокурор назорати ҳужжати қўлланилди. Уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашлишга йўл қўйган 62 нафар мансабдор шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка, 2 нафари эса жиноий жавобгарликка тортилди. Тадбиркорлар манфаатларини қўлаб судларга 61 млн. сўмлик даъво аризалари киритилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари билан ўтказилган учрашувларда тадбиркорлар, фермерларнинг иштироки таъминланди. Асосийси, уларни моддий қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш, соғлом молиявий муҳит яратиш мақсадида 200,4 млн. сўмлик кредитларнинг ажратилишига, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган 51 нафар фуқароннинг рухсатнома бериш ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш каби масалалари ҳал қилинишига эришилди.

Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 70,6 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилиши таъминланиб, 5499 та янги иш ўринлари яратилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан Бош прокурорнинг 2011 йил 5 февраль кундаги ҳайъат мажлиси қарори ижросини таъминлаш борасида вилоят ҳудудидagi 1471 та қишлоқ аҳоли пунктларида 2303 та тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, уларда 4229 та янги иш ўринлари яратилди. Факт ва рақамлардан ҳам қўриниб турибдики, ҳуқуқий демократик давлатнинг бош таъмоили қонун устуворлиги таъминланмоқда. Қонунлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Аммо амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини тушуниб етмай, тараққиётга сунъий тарзда тўсиқ бўлаётган айрим мутасадди раҳбарларнинг ҳам учраётганлиги ачинарли ҳолдир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 17 июндаги "Қишлоқ жойларида намунавий уй-жойлар қурилишининг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш борасида ўтказилган текширишлар натижасига кўра, 300 дан ортқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди, 7 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилиб, судларга 140 та даъво аризалари киритилди.

Хусусан, "Қишлоқ қурилиш инвест" Бухоро вилоят филиали мансабдор шахслари Пешку, Шофиркон, Жондор, Олот ва Когон туманларидаги жами 8 та аҳоли пунктида 90 та бу тоифадаги уйлар бўйича 1,4 млрд. сўмлик бажарилмаган қурилиш-таъмирлаш ишларини ҳисоботларда сохталаштириб кўрсатиб, жуда кўп миқдордаги мулкни ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганликлари фош этилган ва жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, қишлоқ ҳўжалигидagi ислохотларни чўқурлаштиришга оид қонун-

лар, Президент Фармонлари, Ҳукумат қарорлари ижроси устидан таъсирчан прокурор назорати ўрнатилган. Назорат тадбирларида 5 мингдан ортқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, 269 нафар шахс интизомий, 534 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Етказилган 1,9 млн. сўмлик зарарлар ихтиёрий ундирилди. Судларга 861 млн. сўмини ундириш тўғрисида 214 та даъво аризалари киритилиб, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 6 та жиноят иши қўзғатилди.

2011 йилнинг ўтган даврида 75 та ҳолатда қонунга хилоф равишда ажратиб берилган 30 гектар ер майдони аниқланиб, заҳира фондига қайтарилди. Айбдорларга қонунда назарда тутилган чоралар қўрилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 15 февралдаги "2011 йилда пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари ва гўзани навлар бўйича жойлаштириш тўғрисида"ги Қарори ижроси билан боғлиқ муҳим агротехник тадбирларни вилоятдаги маҳаллий ҳокимликлар, масъул идоралар ва фермер ҳўжаликлари томонидан таъминланиши устидан мутахассисларни жалб қилган ҳолда мониторинг ва назорат текширувлари олиб борилиб, натижаларига кўра 1480 дан ортқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди ва 263 нафар шахс маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортилди.

Мазкур жараёнда вилоят бўйича жами 155,2 гектар, шундан 66 гектар майдонда чигит сифатсиз экилганлиги, 46,9 гектарига чигит ўрнига бошқа экинлар экилганлиги, 31,79 гектар ҳисоботга қўшиб ёзилганлиги ва 10,53 гектарда бошқа камчиликлар аниқланиб, прокурор назорати ҳужжатлари қўллаш орқали аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этилиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 апрелдаги "2011 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йилгиштириб олиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 1200 дан ортқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, шу жумладан, 12 нафар туман ҳокимлари қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди.

2011 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун 157 минг тонна дон топширилди.

Қонунийликни мустаҳкамлаш жараёнда асосий эътибор воғая етмаганларнинг ихтимойий ҳимояси, уларнинг таълим-тарбиясига, соҳанинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва жиҳозлаш, шу ва бошқа мақсадлар учун ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишига оид қонунлар ижросига қаратилмоқда.

Воғая етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш юзасидан ўтказилган 193 та текширишлар натижаларига кўра жами 2126 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Бу соҳадаги жиддий қонунбузилишлар юзасидан 31 та жиноят ишлари қўзғатилди, шу жумладан, хизмат вазифаларини етарли даражада бажармаган 1397 нафар мансабдор шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди.

Бу йўналишда ҳамкорликда олиб борилган тадбирлар натижасида воғая етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг сезиларли даражада камайишига эришилди.

2010 ва 2011 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб қилиш, коллеж ва академик лицейларни таъмирлаш талабаларини ишга жойлаштириш борасидаги ишлар вилоят прокуратураси органларининг доимий диққат марказидадир.

Вилоят бўйича 9-синфни битирувчи ўқувчилар жами 32579 нафари ташкил этиб, уларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ жалб этилиши таъминланиши замирида миллат эртаси, унинг истиқболига дахлдор бўлган баркамол авлоднинг тақдири, истиқболига ғамхўрлик мужассам.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан СВОЖДЛҚК Департаментининг вилоят бошқармаси қўйи тизимлари ҳамда Давлат солиқ идоралари фаолияти устидан назорат қучайтирилиб, жорий йилнинг 6 ойда солиққа оид қонунчилик ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган текширишлар натижасига кўра аниқланган қонунбузилиш, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида солиқ идоралари ҳамда СВОЖДЛҚК Департаменти ва унинг қўйи тизимларига 34 та тақдирнома-лар киритилиб, қонунга зид бўлган қарорларни бекор қилиш ҳамда қонунга мувофиқлаштириш тўғрисида 54 та протест келтирилган, 44 нафар ходим интизомий, 14 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилган.

Департаментнинг вилоят бошқармаси ва унинг қўйи бўлимлари томонидан 113 та жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув даврида аниқланган 1 млрд. 119 млн. сўмлик зарардан 633 млн. 538,5 минг сўмининг ундирилиши таъминланган.

Бюджетта қўшимча ҳисобланган жами 8 млрд. 976 млн. сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан, ўтган йиллардаги боқимонда қарзлар билан биргаликда 8 млрд. 620,7 млн. сўмини бюджетта ундирилиши таъминланган.

Департаментнинг вилоят бошқармаси ходимлари томонидан 23,9 млрд. сўмлик ноқонуний нақд пул айланмаси, шундан 7 млрд. сўмини банк муассасасига топширмаслик ҳамда 6,5 млрд. сўм нақд пулларнинг назорат касса машинасида ўтказмаслик ҳолатлари аниқланиб, 48 та жиноят иши қўзғатилган.






Яширин цехлар фаолиятини фош этиш ва уларга барҳам бериш борасида амалга оширилган ишлар натижасида 26 та яширин цех фош этилиб, жиноят ишлари қўзғатилган ва 216,0 млн. сўмлик товар ҳамда ускуналар олиб қўйилган.

Валюта қўшимчаларининг қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш бўйича жами 21 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 21 та жиноят иши қўзғатилди. Жами 50420 АҚШ доллари, 1570 евро, 116 850 Россия рубли, 39,2 млн. сўм пул олинган.

Ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, шунингдек, уларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлигини қучайтиришга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштириш чоралари қўрилди.

Худуднинг жиноятчилик аҳоли ҳар ой якунларига кўра таҳлил этилиб, криминоген вазиятни барқарорлигини таъминлаш, муайян турдаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг ўсиш сабаблари, бунга имкон берган шарт-шароитлар, уларни содир этган шахсларнинг тоифаси таҳлил қилиниб, мутасадди идоралар олдида аниқ вазифалар қўйилмоқда. Бунинг натижасида шу йилнинг 1 ярмида вилоят бўйича жиноятларнинг умумий сони 1970 тадан 1946 тага ёки 1,22 фоизга камайишига эришилди.

Зотан, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятининг қўзи ҳам, қуроли ҳам қонундир. Бу муҳим жараёнда прокуратура органлари суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини либераллаштириш ва инсонпарварлик таъмоиллари устуворлигини таъминлашда давлат, жамият ва фуқаролар манфаатларини ишончли ҳимоячиси бўлиб қолади.





Ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг бош тамойили сифатида аҳолининг барча қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи белгиланганлиги бежиз эмас. Зотан, истиқлолнинг илк йилларида фўқароларнинг моддий таъминланганлик даражаси, турмуш тарзи, фаровон ҳаёт кечириши учун давлат томонидан ғамхўрлик кўрсатилиб, етарли шарт-шароитлар яратилган. Бу йўналишда инсон манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг "Қам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги ва "Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари мазмун-моҳиятида ҳам, аввало, инсон манфаатлари муҳассамлиги эътироф этиш жоиз. Мазкур қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида вилоят прокуратураси томонидан муайян тартибда текширишлар ўтказиб келинмоқда.

Инсон манфаатлари учун

Комилжон ҲАСАНОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

Тахлилий маълумотларга қараганда, 2010 йил давомида 11562 та, 2011 йилнинг 6 ойида 5145 та оила ўзини ўзи бошқариш органларига моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 5076 та оилга 1 млрд. 597 млн. сўмдан ортқ иқтисодий ёрдам кўрсатилиб, "Халқ банки"нинг бўлими томонидан ўз вақтида тўлиқ тўлаб берилган. 9415 нафар 2 ёшгача болали оилаларга 13 млрд. 28 млн. сўм молиялаштирилиб, ўз вақтида тўланиши таъминланган.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ қонунлар ижросини таъминлашда амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги ҳам текширишлар жараёнида аниқланган. Текширишлар Қорақўл ва Шофиркон туманларидаги аксарият ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан юқорида зикр этилган Ҳукумат қарорлари талабларига амал қилинмасдан нафақа пуллари ажратилаётганлигини ёхуд аксинча, берилиши лозим бўлган нафақаларнинг асоссиз равишда берилмаётганлигини, маҳаллий ҳокимлик ва бошқа мутасадди ходимлар бу фаолиятни ўз вақтида мувофиқлаштириб, назорат қилмаётганлигини кўрсатди.

Қорақўл туманида 2 ёшгача боласи бор бўлган оилаларга 15 та ҳолатда 6 млн. 149,4 минг сўмлик, 16 (18) ёшгача болалари бўлган оилаларга 24 та ҳолатда 6 млн. 390,1 сўмлик нафақалар қонуний равишда тўланишига йўл қўйилган. Жумладан, "Қуввача" ҚФЙ да 24 та ҳолатда оила жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад белгиланган мезондан ортқ бўлсада, 16 (18) ёшгача кўп болали оилаларга тўланиши лозим бўлган нафақалардан 3 млн. 707 минг 400 сўмлик, 5 та ҳолатда 2 ёшгача болали оилаларга тўланиши лозим бўлган нафақалардан 2 млн. 441 минг 100 сўмлик, ҳаммаси бўлиб 29 та ҳолатда жами 6 млн. 148 минг 500 сўмлик ижтимоий нафақалар нотўғри таъинланлиб тўланганлиги оқибатида давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилганлиги аниқланди. Текшириш жараёнида етказилган моддий зарарлар тўлиқ ундирилди. "Қуввача" ҚФЙ раиси Г.Сайлихонов ва бошқаларга нисбатан ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми "в" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Шофиркон туман молия бўлими томонидан "Зарчабек", "Исоқари", "Денав", "Доригар", "Навбахор", "Мингқинор", "Қайрағоч" ва "Нурафшон" МФЙ бўйича 29 млн. 249,3 минг сўмлик 16 ёшгача болали оилаларга тўланадиган нафақалар, 121 млн. 497,5 минг сўмлик 2 ёшгача болали оилаларга тўланадиган нафақаларнинг молиялаштирилиши 6 кундан 16 кунгача кечиктирилган.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасига масъул бўлган Қорақўл туман ҳокимининг ўринбосари Т.Раҳимов ва Шофиркон туман ҳокимининг ўринбосари Ж.Жалиловларнинг 2010 йил ва 2011 йил 1-чорагига мўлжалланган иш режасида ушбу йўналишда бирор-бир тадбир белгиланмаганлиги изоҳ талаб этади, албатта.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан жорий йилнинг ўтган даври давомида ҳамда ушбу режавий текшириш натижасига кўра, аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 53 та тақдимнома, 169 та протест киритилиб, прокурор тақдимномаси ва қарорларига асосан 334 нафар шахс интизомий, 9 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. 36 млн. 667 минг сўмлик моддий зарарнинг айбдорлардан ихтиёрий ундирилиши таъминланлиб, жиҳдий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 9 та жиноят иши қўзғатилди. Текширишлар жараёнида 63 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланди. Қонуннинг кучи унинг ҳаётийлиги, инсон манфаатини қўзлаганлиги, ижроси қай даражадалиги билан ўлланади. Зеро, жамият, давлат ва фуқаролар манфаатларини қонун ҳимоя қилар экан, унга чап бериш, алдаш ёхуд амал қилмаслик мумкин эмас.

Адолат тамойилларига таяниб

Бу юрт шундай юртки, меҳнат қилган улуғланади. Бу эл шундай элатки, меҳнатдан бахт яратади. Истиқлол йилларида меҳнатта, мулкка муносабат ўзгаргани боис мулкдорлар синфи — айнан ҳаёоликни мезон билган ишбилармонлар қатлами юзга келди. Давлат ва Ҳукумат уларни қўллаб-қувватлади. Бу эса ўз навбатида иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш, бозорларни сарҳи мевасабзавотлар билан тўлдириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари яратиш каби ижтимоий аҳамиятга молик масалаларда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш учун етарли шарт-шароит яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашга оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари ҳамда Ҳукумат қарорлари ижросини тўлиқ таъминлаш, хусусан, жойларда учрашувлар ўтказилиб, тадбиркорлик субъектларини кредитлар бериш орқали қўллаб-қувватлаш, уларга турли руҳсатномалар олиш, маҳсулотларини экспорт қилиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишда кўмак бериш ишлари самарадорлигини ошириш билан аҳоли бандлигини таъминлашга доир бир қатор тадбирлар Жондор туманида ҳам амалга ошириб келинмоқда.

Шундай бўлса-да, тумандаги "Жондор МТП" ДАЖда фермер ҳўжаликларида кўрсатилган хизматлар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси аҳоли ўрганилганда, айрим қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилгани маълум бўлди.

Жумладан, "Жондор МТП" ДАЖ МТП хизмати бўлими ҳисобсизи Усмон Бақоев ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармасдан, МТП ДАЖ оператори Ф.Ҳамроев томонидан "Магнум-8940" русумли трактори ёрдамида туман ҳудудидаги "Шохруд" фермер ҳўжалигига қарашли экин майдонида 2011 йил ҳосили учун ғалла экиш режалаштирилган 3 гектар очик майдонда икки маротаба чизелла ишлари бажарилган бўлса-да, ҳисоб-барақ фактура далолатномасида 9 гектар ер майдонида жами 616 014 сўмлик икки маротаба чизелла ишлари бажарилганлиги тўғрисида сохта ҳисобот тузади. У.Бақоев қонун ҳар қандай ғайриқонуний ҳолатга муроасизлигини унга нисбатан интизомий чора қўзғатилганда сўнг англаган бўлса ажаб эмас.

Мустақиллиқнинг ўтган даврида ҳуқуқий онги ва дунёқараши ўзгариб, ўз ҳақ-ҳуқуқини қонун орқали ҳимоя қилишга ўрганган фуқаролар ижтимоий ҳаётдаги ҳар бир воқеа-ҳодисага, жамиятга зарар етказадиган камчилик ва нуқсонларга бепарқ эмаслиги, одамларда дахлдорлик ҳиссини шаклланганлигини прокуратурада ташкил этилган "007" рақамли "Ишонч телефонлари" -

га бўлаётган мурожаатларда ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, туман ҳудудидаги "Жонибек Жунайдило сервис шароб" МЧЖ раҳбари Ж.Мўминов жорий йилнинг 7 февраль куни туман прокуратурасида ўрнатилган ишонч телефонига қўнғироқ қилиб, унда Жондор туман ДСИ ходими Хушнуд Ходжаев қорхонанинг ҳисоб-рақамига ноконуний равишда инкасса топшириқномаларини қўйганлигини билдирган. Ҳолат юзасидан ўтказилган текширишда маълум бўлишча, туман ҳудудидаги "Жонибек Жунайдило сервис шароб" МЧЖ раҳбари Жунайдило Мўминов томонидан вилоят ҳўжалиқ судининг 2010 йил 14 февралдаги "20-1002/10301-сонли хал қилув қарорига асосан 1 млн. 310 минг 500 сўмлик молиявий жарималар 2011 йил 2 февралдаги 13, 14 ва 15-сонли топшириқнома орқали Жондор туман ДСИнинг ҳисоб-рақамига қўчириб берилганига қарамайдан, Жондор туман ДСИ бўлими бошлиғи Х.Ходжаев томонидан инкассо топшириқномалари қўйган. Бу эса қонун нуқтаи назаридан қараганда тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилишлик ҳисобланади. Х.Ходжаевга шўбабарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, қарор ижро қилишлик учун Жондор туман ДСИ бошлиғига юборилди.

Шунингдек, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни кучайтириш борасида вилоятдаги назорат

Ойбек ИЗЗАТУЛЛАЕВ,
Жондор туман прокурори

идоралари билан ҳамкорликда қабул қилинган қўшма баённомага биноан белгиланган дастур ва режа асосида ташкил этилаётган давра суҳбатлари ва очик мулоқотлар самараси ўларок, тадбиркорлар ўзларини қўйнаётган муаммолар ечимини жойларнинг ўзида ҳал этилишига эришмоқдалар.

"Жондор" шаҳарчаси Теракзор қўчаси 12-уйда яшовчи фуқаро Фазилдин Нуриддинов жорий йилнинг 14 март куни туман прокуратурасининг "007" рақамли ишонч телефонига мурожаат қилиб, тикувчилик билан шўғулланиш учун оливайди тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва янги иш ўринлари яратиш учун банкдан 20 млн. сўм кредит олишда амалий ёрдам беришни сўраган. Туман прокуратурасининг амалга оширган саёй-ҳаракатлари натижасида унинг "Микрокредитбанк" туман филиалидан 20 млн. сўм кредит олиб берилиб, 6 та янги иш ўринлари яратилди. Мазкур йўналишда олиб борилган назорат тадбирлари натижасида 2 нафар шахсга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, 410 676 сўмлик ортқча тўлов қайтарилди, 4 нафар фуқарога нисбатан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Бир сўз билан айтганда, жамият, давлат ва фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифани бажаришда адолат тамойилларига таяниб, қонун устуворлигини таъминлаш прокуратура органлари фаолиятининг бош мезони бўлиб қолади.



Бухоро вилояти

Бухоро вилояти 1938 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳудуди 40,32 минг кв.км.

Вилоят 2 шаҳар, 11 туман, 62 та шаҳарча ва 120 та ҚФЙдан иборат.

Вилоятдаги 4 та олий ўқув юрти, 80 та касб-хўнар коллежи, 8 академик лицей, 539 та умумтаълим мактабларида 270 мингга яқин ўқувчи таҳсил олади.

Вилоят аҳолисига 75 та касалхона, 542 та поликлиника ва 343 та қишлоқ врачлик пунктлари тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Қўшаҳифани журналист Моҳира ШАКАРОВА тайёрлади

Мен яқинда бошқа вилоятга иш билан икки ой муддатга боришим керак. Шунда мен амалдаги қонунлар бўйича борган жойимда вақтинчалик рўйхатдан ўтишим керак дейишди. Агар меҳмонхонада турадиган бўлсам, бундай рўйхатдан ўтмасам ҳам бўлар экан. Шу тўғрисида?

Қамолиддин Отаёров, Ангрен шахри

Ўтмасам ҳам бўладими?

Ўзингиз вақтинчалик рўйхатдан ўтиш учун ташаббус кўрсатмасангиз, "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида"ги Низом талабларига кўра, меҳмонхоналар, даволаш муассасалари, санаторийлар ва дам олиш уйлари-нинг масъул ходимлари бу ерларга жойлашган, рўйхатдан ўтиши лозим бўлган шахслар бўйича анкета-аризаларни ҳисобга олиш учун бир сутка ичида ушбу муассасалар жойлашган ҳудуддаги манзил-маълумотнома бюросига жўнатади.

Имтиёзлар бекор бўладими?

Солиққа тортилмайдиган фуқаролар энди нима учун солиқ ушланаяпти?

Энг кам иш ҳақининг тўрт бараваридан солиқ ушланмайди деган қарор қаерда қолди? Ойлигим 251 минг сўм, 200 минг сўмдан солиқ ушланмаслиги, 51 минг сўмдан эса ушланиши керакми?

Бадал, штраф, даромад, мажбурий сўғурта, профсоюз, пенсия, пенсия бадал, пенсия фонди, ЖБПТ — 4,5 фонди, шанбалик, хайрия, спорт буларнинг ҳаммаси солиққа кирадими?

Солиқ қайси ҳолларда ушланмайди?

Устамалар тоифага қараб бўладими?

Энг кам иш ҳақининг беш бараваридан солиқ ундирилмайди деган қонда тўғрими?

Молий ёрдам қандай шахсларга ва қандай ҳолларда бўлади?

Молия бўлими ойлани тўхтатишга ҳақимми?

Т.Исмоилова, 2-гурӯх ногирони Оқдарё тумани

Солиқ кодексининг 6-моддасига кўра, ҳар бир шахс ушбу кодексда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши шарт.

Ҳеч кимнинг зиммасига ушбу Кодексда назарда тутилмаган ёки унинг нормалари бузилган ҳолда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин эмас.

Агар сиз энг кам иш ҳақининг тўрт баравари микдорда солиқ солишдан 2-гурӯх ногиронининг озод қилиниши назарда тутилган бўлсангиз, мажбурий норма, яъни Солиқ кодексининг жисмоний шахсларни солиқ солишдан озод қилиш деб номланган 180-моддаси амалда.

Солиқ кодексининг 23-моддаси талаби бўйича, мамлакатимизда жисмоний шахсларга солинадиган солиқларга қуйидагилар кирди:

- жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи;
- жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатилган учун олинadиган солиқ;
- ер солиғи;
- мол-мулк солиғи (I ва II гурӯх ногиронлари имтиёзга эга). Бошқа мажбурий тўловлар эса, қуйидагилардир:
- ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар;
- ягона ижтимоий тўлов;
- фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сўғурта бадаллари.

Мамлакатимизда ўтказиб туриладиган умумхалқ ҳашари, хайрия фондларига ажратилadиган ажратмалар эса, корхона, муассаса ва ташкилот ходимларининг ихтиёри асосида ўтказилadиган ажратмалар ҳисобланади.

Жисмоний шахсларга солиқ борасида берилган имтиёзлар Солиқ кодексининг 31-моддасида тўла қайд этилган.

Устамалар масаласига тўхталадиган бўлсак, меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек, иш берувчи томонидан касабга уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланadиган тартибга мувофиқ тарзда тўлаб борилади. Шунингдек, табиий-иқлим ва турмуш шароитлари ноқулай бўлган жойларда меҳнат ҳақига район коэффициентлари ва устамалар белгиланади.

Ходимларга берилadиган моддий ёрдамлар ҳам корхона, муассаса ва ташкилотнинг локал ҳужжатларида белгиланган ҳолларда бўлади.

Туман молия бўлими корхона, муассаса ва ташкилотлар ходимларига тўлашни лозим бўлган иш ҳақларини тўхтатиш борасида ҳеч қандай ваколатга эга эмас. Иш берувчи эса, ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ тўлаши шарт. Қолаверса, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 март кунги "Иш ҳақи ўз вақтида тўлашишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, иш берувчи иш ҳақининг ўз вақтида тўлашни учун шахсан жавобгар саналади.

ҲУҚУҚИЙ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қўриқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «info@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз ёки (8-371) 233-26-62 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос Дониёр ХАЛИЛОВ жавоб берди

Даромад тенг тақсимланадими?

Мен 2009 йили фарзанди бўлдим. Қизим бир ёшга еттунига қадар болалар нафақа пулини олим. Кейин бўлса тўхтатиб қўйишди. Сабабини сўрасам, турмуш ўртоғимнинг олаётган даромади бизнинг таъминотимиз учун етарли даражада экан. Турмуш ўртоғим билан ҳали қайнотамнинг ҳўжалигида турамиз. У ерда ўн киши истиқомат қилади. Уларнинг барчаси ҳам иш билан таъминланган. Ахир, оилада неча киши бўлса, даромад уларнинг ҳаммасига тақсимланмайми?

Ю.Дўсанова, Ғузор тумани

Фарзанднинг вояга еттунига қадар таъминот бериш ота-онанинг мажбуриятларидандир.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар эса, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож бўлган ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт. Шу боис вояга етмаган болаларга таъминот беришда ота-онанинг даро-

мадлари етарли даражада бўлмаган ҳолларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимизда бу каби нафақа белгиланган. Умумий бир уйда ака-ука, опа-сингил ва бошқа шу каби оила аъзоларининг яшashi даромад улар ўртасида тенг тақсимланиши билдирмайди. Чунки, юқорида айтилганидек, вояга

етмаган фарзандни таъминлаш ота-онанинг зиммасидандир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ишламайдиган оналарга болани парвариш қилиш нафақасини тайинлаш чоғида оиланинг муҳтожлигини белгилайдиган мезон бўлиб унинг ҳар бир аъзосига энг кам иш ҳақининг 1,5 бараваридан кам микдорда тўғри келадиган оиланинг жами даромади ҳисобланиши белгиланган.

Ушлаб қолиниши тўғрими?

Мен Шахрисабз қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш техникумида ўқитувчи бўлиб ишлаганман. Имтиёздан фойдаланиб, 55 ёшимда пенсияга чиққанман. Шу вақтгача коммунал хизмат ҳақи учун компенсация олиб келар эдим. Лекин туман ижтимоий таъминоти ходимлари сизга компенсация тўлаш мумкин эмас. Бунинг устига 517837 сўм компенсация пули нотўғри тўланган, шунинг учун бу пуллари нафақадан ушлаб қолиш керак дейишмоқда. Шу тўғрисида?

Т.Кенжаев, Яққобғор тумани

Халқатан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги "2003 йилнинг 1 апрелдан бошлаб ўй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича берилadиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, педагогик фаолият билан боғлиқ касблар, шу соҳада камида 10 йиллик иш стажига эга бўлган пенсионерлар ва бошқа бир қатор тоифадаги шахсларга ушбу тўлов тўлаб қолинар эди. Бироқ, Республика Президентининг 2009 йил 21 декабрь кунги 4158-сонли Фармонига мувофиқ, мажбурий имтиёз кўзда тутган 1-банд ўз кучини йўқотган. Мажбурий бандда белгиланганича бундай имтиёздан қуйидаги тоифадаги шахслар фойдаланиб келган эди:

— камида 10 йил педагогик ва илмий-педагогик иш стажига эга бўлган қуйидаги ходимлар тоифаларига мансуб пенсионерлар:

— барча турдаги умумий таълим мактабларининг педагогик маълумотга эга бўлган ўқитувчилари, директорлари, директорнинг ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари,

тарбиячилари, концертмейстерлари;

— академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва ўрта махсус ўқув юр்தларининг ўқитувчилари, директорлари, директорнинг ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, ишлаб чиқариш таълими устозлари, психологлари, услубийётчилари, тарбиячилари, концертмейстерлари;

— "Меҳрибонлик уйлари"нинг педагогик маълумотга эга бўлган тарбиячилари, директорлари, директорнинг ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, психологлари;

— мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактаб-болалар боғчаларининг педагогик маълумотга эга бўлган тарбиячилари, ўқитувчилари, мудири, директорлари, директорнинг ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, психологлари;

— мактабдан ташқари муассасаларининг педагогик маълумотга эга тренералик иш стажига эга бўлган ўқитувчилари, тарбиячилари, тренер-ўқитувчилари, директорлари, директорнинг ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, йўриқчи-услубийётчилари, концертмейстерлари.

— олий ўқув юр்தларининг профессор-ўқитувчилари таркиби, ректорлари, таълим, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорлари, филиалларнинг директорлари ҳамда директорнинг таълим, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, илмий котиблари, ишлаб чиқариш таълими устозлари, ҳисоблаш марказларининг бошлиқлари ва муҳандислари;

— қишлоқ жойларда ва ишчилар шаҳарчаларида ишловчи шифокорлар, провизорлар, ўрта табиёт ва фармацевтика ходимлари жумласига мансуб, ушбу соҳада камида 10 йил иш стажига эга бўлган пенсионерлар.

Ортиқча тўланган маош

Бош ҳисобчимизнинг айби билан икки нафар ходимимизга ойлук маош ортиқча тўланди. Энди, бош ҳисобчимиз ушбу ортиқча тўланган пуллари ундириб оламиз дедим. Унинг талаби тўғрими? Илгари ходимнинг айбисиз тўланган ортиқча маош қайтариб олинмайди деган ғалб бор эди. Ҳозир бу қонда ўзгарими?

И.Норманов, Гулран тумани

Меҳнат кодексининг 164-моддасида меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш ҳақида қонунда белгиланганича, ходимнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш унинг ёзма равишдаги розилиғи билан, бундай розилиқ бўлмаган тақдирда эса, суднинг қарорига асосан амалга оширилади. Бироқ, ҳисоб-китобдаги хатолар натижасида ортиқча тўланган суммани қайтариб олиш ходимнинг розилигидан қатъи назар амалга оширилади.

Бундай ҳолларда иш берувчи ҳақ тўлаш нотўғри ҳисоблаб чиқарилган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан ушлаб қолиш ҳақида фармойиш беришга ҳақли бўлади.

Жойларда маҳалла фуқаролар йиғини ўз ҳудудига жойлашган қадимжоларнинг, зиёратгоҳларнинг ободлиги, тартиб-интизоми, сақлини ҳолатини назорат қилиш ваколатига эгамми?

Зиёратгоҳларга қўйилган қўриқчиларнинг вазифаларига нималар кирди?

Тоштемир Ҳамдамов, Касби тумани

Қўриқчининг вазифаси...

Маҳалла фуқаролар йиғини бундай ваколатга эга эмас. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг шахарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғинининг ваколатлари қайд этилган 11-моддада айтилишича, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш бўйича тадбирлар режасини белгиланган тартибда тасдиқлайди. Бундан ташқари, фуқаролар йиғини кенгаши тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан, фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишида, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қўмаклашди.

Ноб ҳисобий-меъморий мажмуалар бўлиши мажбурий зиёратгоҳларни сақлаш, тиклаш-таъмирлаш ва янада ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Дин ишлари бўйича қўмита, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда "Нуроний" жамғармасининг Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги Мукаддас қадимжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамғармаси томонидан амалга оширилади.

Қўриқчилар ўз навбатида бириктирилган ҳудудда тартиб-интизом, мол-мулкларнинг сақлинишни таъминлаб, унинг асосий фаолияти бу борадаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган шартнома шартларига мувофиқ тарзда амалга оширилади.

Қонун мустақкам қўрғондир

207122519. Қўшимча маълумотлар олиш учун манзил:
Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси 24-уй.
Мижановлар: тел: 8 (126) 33 4 14 01; 33 4 64 31.

Саросимага тушган одам

Саросима қандай ҳолатда рўй беради? Инсон руҳиятини тадқиқ этувчи кишилар бунини фан нуқтаи назари билан турли томондан ўрганган ва таҳлил этганлар, албатта.

Лазиз ҲАМРОЕВ,
Чироқчи туман прокурорининг
катта ёрдамчиси
Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Huquq»

тагига бир дона уруғ ташлаган эдим.

— Уруғни ким берган эди?

— Бир нотаниш кишидан олгандим. Ҳозир эсполмайман. Пишиб етилгач, қуритиб, майдалаб дафтар варагига ўраб қўювдим.

— Нима мақсадда?

— Чекиш учун. Икки-уч марта ўриб чекканман, холос.

— Қолганини қаерга олиб бораётган эдингиз?

— Ҳеч қаерга. Болалар топиб олишмасин, деб чўнтагимда олиб юрардим.

— Нега уни машина ичига отиб юбордингиз? «Нексия» сизга тегишлимиди?

— Йўқ. Унинг эгасини танимайман. Тўғриси, сизларни кўриб эсанкараб қолдим. Нима қиларимни билмай, дастлаб қочмоқчи ҳам бўлдим...

Терговчи савол-жавоблар воситасида ҳақиқатни аниқлади. А.Одилов марихуанани сотмоқчи эки бошқа бировга ҳам бермоқчи эмаслиги, ўзи истеъмол қилиш ниятида олиб юрганини аён бўлди.

— Оилавий аҳолинингиз билан тўла танишиб қўйдим, — деди пировардида терговчи, — беш нафар вояга етмаган фарзандингиз бор экан. Уларнинг бири биринчи гуруҳ ногирони. Бунинг устига кекса бобонгиз ҳам сизнинг қарамонингизда бўлса, оилада якка-ю ягона боқувчи ўзингиз экансиз. Мана, қўлимизда ҳамма далиллар бор. Қамалиб кетадиган бўлсангиз оилангизни ким боқарди? Шунини ўйламадингизми?

Азамат мулзам бўлди. Бош

воситаси эди. Таркибида «тетрагидорканнабинол» моддаси бўлган, инсонни ақлдан оздирувчи ва жиноятга ундовчи бу гиёҳни етиштириш, сақлаш, сотиш ёки сотиб олиш ҳам жиноят.

Ўлга олинган киши сўроқ қилинди, қоғоз ўрами ичидаги ўткир хидли яшил модда лаборатория анализидан ўтказилди. Унинг оғирлиги 7,7 грамм бўлиб, «марихуана» гиёҳхандлик моддаси эканлиги аниқланди.

Мана, чироқчилик Азамат Одилов (исм-фамилиялар ўзгартрилган) терговчи қаршисида мулзам бўлиб турарди.

— Чўнтагингизда олиб юрган нарсангиз нималигини биласизми?

— Наша, — жавоб қилди хўрсиниб Азамат.

— Уни қаердан олгансиз?

Азамат бу саволга тайёр эмасди. Шу боис, биров тайсаллади. Бировдан олдим деса гап чўчалаб кетади. Шу боис ростини айтишга мажбур бўлди.

— Ўзимники эди.

— Тўғри, сизнинг чўнтагингиздан чиққандан кейин бировники бўлмаслиги керак. Уни қаердан олганингизни сўраяман.

— Ўзим етиштирганман.

— Қаерда? Қандай қилиб?

— Кўприк тагига экиб қўйган эдим.

— Қачон?

— Ўтган йили баҳорда. Ўзим яшайдиган уй яқинидаги кўприк

Саросима руҳий ҳолат бўлиб, виждони тоза одам одатда саросимага тушмайди. Бундай ҳолат маънавий жиҳатдан бақувват инсонларга ҳам хос. Аммо кўча-кўйда айтайлик, ИИБ ходимига тўқнаш келган кишининг саросимага тушиб, қочиб қолишга интилиши ёки бошқа бирор ғайриқонуний ҳаракатлар қилиши унинг виждони тоза эмаслигидан, бирор-бир қори ҳол қилиб қўйгани (ўғрилиқ, гиёҳхандлик, қотиллик ва ҳоказо) дан дарак беради.

Эгнига оқ рангли спорт курт-каси кийган киши атрофга олазрак қараганча жадаллаб борарди. «Гулистон» маиший хизмат уйи қаршисида етганида ўзини ички ишлар бўлими ходимлари кузатиб туришганини кўриб, саросимага тушиб қолди. Беихтиёр чап қўлини курткани чўнтагига тикди. Унинг навтийдан тезроқ қочиб қолиш ниятида эканлиги кўриниб турарди. Бундан шубҳаланган ИИБ ходимлари унга ақинлаша бошлашди. Шунда оқ курткали кишининг нима савбадан талвасага тушиб қолгани маълум бўлди. У йўл четига «Нексия» томон бир интилидо, шу ҳаракатининг ўзида машинанинг оқиб турган эшигидан алланарсени орқа ўриндиққа отиб юбориб, қочишга чоғланди, аммо милиция ходими бунга йўл қўймади.

Машина ичига отиб юборилган нарса дафтар варагига ўралган «марихуана» гиёҳхандлик

Олим Қаҳҳоров аввал ҳам наркотик модалар савдоси билан шуғулланганини учун жиноий жавобгарликка тортирилган. Жазони ўтаб чиққач, новвойхонада нон ёпиб, таабиркорлик билан шуғуллана бошлади. У секин-аста иқтисодий аҳолини тиклаб олди. Аммо афсуски, эски олатини ташлаб олмади. Яна наркотик модаларни истеъмол қилиш ва сотиш билан шуғуллана бошлади.

Гиёҳханд новвой

Улғубек САЙФУДДИНОВ,
Каттақўрғон шаҳар прокурори



Кунларнинг бирида хумори тута бошлаган Олим таниши Мўминхон Расулнинг олдига борди:

— Оғайни, роса «ломка» тутаяпти. Илтимос, герадан ёрдам қил, — деди у қалтираб.

— Аҳолининг биламан, аммо кам қолганди. Ўзимга ҳам керак, — деди Мўмин нархни ошириш мақсадида.

— Бир иложини қил, неча пул десанг бераман.

Мўмин 2 грамм героин борлигини, тўғри келса 120 минг сўмга сотишини айтди. Дунё кузига тор бўлиб турган Олим пулни бериб героинни олиб кетди.

Олиб келинган 2 грамм героиннинг 1,84 граммини вақти-вақтида истеъмол қилиб, қолган 0,16 грамм героинни келгусида сотиш мақсадида қоғоз бўлақларига алоҳида қадоклаб, яшириб қўйди.

Шундай кунларнинг бирида эшигини қоқиб, таниши Равшан кириб келди.

— Олим, биламан, гера истеъмол қиласан. Озроқ керак бўлиб қолди, агар сотсанг бўлайин, деб келдим, — деди у.

— Қанча пулинг бор?

— Олти беш минг сўм.

— Бу пулингга иккита чек бера оламан. Маъқул бўлса, шу.

Равшан пулни бериб, героинни олиб кетди. Уйига қайтиб кирган Олим Равшаннинг ўзини туттидиган шубҳаланиб, пулни ёқиб юборди. Шу пайт ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи орган ходимлари етиб келишиб, Олимга уйда бўлган ноқонуний нарсалар бўлса, чиқариб кўрсатишини сўрашди. Шунда у тақдирга тан берди. Уларни ётоқхонага бошлаб сандиқ устида талланган ёстиқ ичида героин гиёҳхандлик воситаси борлигини айтди. Текшириш натижасида ёстиқ ичидан гиёҳхандлик моддаси, қоғоз бўлақчасига ўралган фалга қоғози ва чекишда фойдаланиш учун ясалган трубка топилди.

Олим Қаҳҳоров энди умрининг етти йиллини махсус тартибли калонияларда ўтказишга тўғри келади.

Ҳийлагар «иш бошқарувчи»

Ҳаётла турфа тоифали кишилар учиради. Уларнинг ўй-хаёли нима билан банд, бунини билиш қийин. Гоҳо кўринишдан соддалик, салмиқийлик кўринишлари ҳам таниш-билишга шундай фириб бериб кетадики, уларга қай тарзда алданиб қолганингни билмайсан ҳам...

Наманган туманилик Ёдгор Юсупов ана шу тоифага мансуб эди. У бир зумда сўхбатдошининг ишончига кирар, алдаб-авраб бўлса-да, ниятига етмай қўямасди.

Ёдгор таниши Муборак Юнусованинг 2010 йил баҳор ойларига «Муборак пиласи» паллалчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалиги ташкил этганини эшитиб, дарров уйига борди.

— Опа, мен бу ерларда кўпдан буён деҳқончилик қилганман, — гапни узоқроқдан бошлади у. — Сиз аёл кишисиз, боз устига, ернинг тилини билмайсиз. Агар рози бўлсангиз, фермер хўжалигини мен бошқараман... Бир йилда ҳамма иш ўз ўрнига тушган, ўзингиз давом эттираверасиз... Фақат...бошида бир оз сарфи бўлади...

Муборак опанинг чиндан ҳам деҳқончиликдан хабари йўқлиги ёки Ёдгорга ишондими, ҳуллас, унинг «ноғора»сига уйнашга тушди.

— Хўш, қанча сарфлашим керак? — сўради у.

— 5-6 миллион атрофида пул кетади, — Ёдгор аёлининг ўзига ён босаётганини кўриб, жонлиниб қолди. — Сиз ҳафтада

бир марта келиб, ишларни назорат қилиб кетсангиз бўлди, қолганини ўзим ҳал қилавераман!

Муборак опа унга ишонди. Боиси, Ёдгор кўринишидан меҳнаткаш, ҳалол йигит бўлиб кўринганди. У биринчи бўлиб бир жуфт «Самовар» номли тилла сиргасини 500 минг сўмга сотиб, пулни Ёдгорга берди. Орадан кўп ўтмай яна 5 млн. 300 минг сўмлик тилла тақинчоқлари ва 200 минг сўм пуллари ҳам унинг қўлига тутқазди. Шу билан вазифасини бажариб қўйгандек ўз ишидан хотиржам тортиди. Унинг наздида барча ишлар маромида кетаётган эди. Аммо... Аммо Ёдгор унинг ишончини оқлай олмади. У бошқарувни ўз қўлига олгач, бирдан ўзгарди-қолди. Биринчи галда Муборак Юнусовадан олган пуллари ва тилла буюмларни ўз эҳтиёжи йўлида сарфлашга тушди. Шунингдек, фермер хўжалиги ҳудудидидаги умумий қиймати 6 млн. 380 минг 682 сўмлик 343 туп тут ва 956 минг 746 сўмлик 33 туп теракни ўзбошимчилик билан кесиб юборди. Ҳаёлида эса бу ерда балиқ боқмоқчи, катта даромад ортирмоқчи эди. Бироқ ҳар ишнинг ўз қонун-қоидаси борлиги, балиқчилик фермер хўжалиги яратиш учун туман ҳокимлигидан рұхсат олиш лозимлиги ҳақида бош қотирмади. Аксича, кун сайин ўзига ишониб, балиқ боқиш учун сув ҳавзаси қавлай бошлади.

У бора-бора Муборак опа билан учрашиб қолишдан чўчиб, унга рўпара келмаслик йўллариини изларди. Боиси, аёл берган маблағни ўзлаштириб юборган, учрашиб қолишганда қилмишларини нима би-

Ҳабибулло ҚОБУЛОВ,
Наманган туман прокурори

лан хаспўшлашга лол эди.

Кейинроқ эса ундан чўчимай ҳам қўйди. Опа билан учрашганда: «Бу ерларнинг хўжайини менман. Сенинг ҳеч бир ишга аралашинг ҳақинг йўқ», дея ошқора таҳдид қилишдан ҳам тиймайдиган бўлди. Чамаси, Ёдгор ҳар қандай эгрликнинг яқини борлиги ҳақида ўйламай қўйганди. Бироқ хўжаликка ўтказилган текширишлар бу қингирликлар бошида ким турганини аён этгач, ўзини қаерга уришни билмай қолди.

Тергов жараёнида Ё.Юсупов фирибгарлик йўли билан норасмий тарзда фермер хўжалигига бошқарувчи бўлиб олиб, хўжалик раҳбари М.Юсупованинг жами 6 млн. сўмлик мол-мулкни эгаллаб олгани, шунингдек, ўзбошимчилик билан табиғатга 7 млн. 337 минг 428 сўмлик зарар етказгани маълум бўлди. У шундан сўнг ҳам ақл билан иш тутмай, хўжалик ҳудудидан яна 4 туп теракни кесиб кетишга ва тергов органларидан яширинишга уринди. Бироқ қаёққа ҳам қочиб қутуларди, дейсиз?!




Суд бўлиб ўтди. Ё.Юсупов бир йилу бир ой муддатга озодликдан маҳрум этилиб, суд залидан қамоққа олинди. Шунингдек, судланувчидан фуқаровий даъвогар М.Юсуповга 6 млн. сўм, вилоят Табиғатни муҳофаза қилиш қўмитасига 7 млн. 337 минг 428 сўм маблағ ундириб бериладиган бўлди.

“ОҲАНГАРОНШИФЕР”



ОАЖ жамоаси

Сиз азиз ватандошларни энг улуғ,
энг азиз байрамимиз – Ўзбекистон
Республикаси мустақиллигининг
20 йиллик шодиёнаси билан
чин дилдан қутлайди!



Озод Ватанимиз
20 йил ичида
асрларга татиғулик
катта тарихий
йўлни босиб ўтди.
Жамоамиз ҳам
Истиқлол туфайли
улкан ютуқларни
қўлга киритди.
Энг муҳими,
одамлар эртамыз
бугундан-да
саодатли бўлишига
қатъий ишонч
ҳосил қилишди.





“АГРОБАНК” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

барча юрtdошларимизни
яқинлашиб келаётган энг
улуғ ва энг азиз байрамимиз —



ИСТИҚЛОЛНИНГ
20 ЙИЛЛИГИ
билан самимий муборакбод этади!

Тинчлик, фаровонлик, аҳиллик
юртимизни ҳеч қачон
тарк этмасин!

Тажрибали ҳуқуқшунос



Ватан тараққиёти, юрт фаровонлигига муносиб улуш қўшган инсон, прокуратура фахрийси Эрон Жумаевни табаррук 75 ёшни қарши олмақда. У киши 40 йилдан ортиқ умрини Республикада эл-юрт тинчлиги ва оқсоқилигини таъминлашдек масъулиятли ҳамда шарафли вазифага бағишлади. Энг муҳими, қаерда ва қандай лавозимда ишлашдан қатъий назар ҳамisha билимдон ва тажрибали ҳуқуқшунос, самимий инсон сифатида жамоатчилик орасида катта эътибор қозонди.

Меҳнат фаолияти давомида Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари суди аъзоси, Жиззах вилоят суди раисининг ўринбосари, Жиззах шаҳар ва вилоят прокурори, Жиззах вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида АМИБ катта терговчиси, бошқарма бошлиғи ўринбосари ва бўлим бошлиғи, Бойсун туман ҳамда Денов шаҳар прокурори, Денов туманларо прокурорининг ёрдамчиси, Сарисийё туман прокурори ёрдамчиси лавозимларида хизмат қилиб, шарафли меҳнат йиллини босиб ўтди. Эрон Жумаев ҳамкасблари орасида самимийлиги ва меҳнатсеварлиги билан ҳурмат қозонди.

Садоқат ва матонат ортидаги меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист" унвони билан тақдирланди.

Бугунги кунда у киши невар ва чеваралари даврасида қарилқил гаштини сурмоқда.

Ҳурматли Эрон Жумаевни, кўтул 75 ёшингиз муборак бўлсин! Бугунги шодиёна кун муносабати билан Сизга узоқ умр, тинчлик-хотиржамлик, хонадонингизга файзу барака тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ихтимоний қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Журналистнинг қўлоғи ҳамisha халқнинг кўксига бўлиши, унинг қалбидagi ҳаяжонни дарҳол сезиши, илғаб олиши, шундан илҳомланиши керак, деб ҳисоблайман. Йиллар ўтиб, ижодкорнинг журналистика ва адабиёт даргоҳига кириб, ундan ўз ўрнини олиши учун адабий муҳит ва бу муҳитдаги оламлининг хайрихоҳлиги керак бўлишини англадим.


1996 йилнинг ёз ойлари эди. Мактабни тугатган 16 ёшли қиз эдим. Илк бор "Qonup himoyasida" журналига ишга келиб, Гофур ақани журналининг "синнальный" нухасини чоғаллаб олиб кирганида кўрган эдим. Ўша пайтда бош муҳаррир ҳам хонада эди.

— Қизим, танишинг, бу киши Гофуржон Алимов. Таҳриратимизнинг бадий муҳаррири бўлади.

Бош муҳаррир ҳодимлар билан мени таништириб бўлиб, хонадан чиқиб кетди. Биринчи иш кунимданок Гофур ақа менга оталарча меҳр кўрсатиб, бошқа ёш ҳодимларга ҳам менга эътиборли бўлишларини, билмаганларимни ўргатишларини танилди.

— Қизимизни тушундик тақлиф қилинлар, ёлғизлатиб қўйманлар, — деб хонадан чиқиб кетди. Овозидан раҳмдил, меҳрибон, эътиборли ва талабчан одамлиги билиниб турарди.

Орадан бир йил ўтиб, жур-



Гули ХОЖИБОЕВА,
«Huquq»

нал қошида "Huquq" газетаси дунёга келди. Газетанинг очилиши ва унинг "тетапоё" қилишида Гофур ақанинг катта меҳнати сингган десам, муболага бўлмайди. У кишидаги жонқуярлик, эътиборли бўлиш қаби фазилатлар ҳозирги кунгача сўнмаган. Гофур ақа бадий муҳаррир сифатида чекланиб қолган эмас. Йиллар давомида у ўз истеъдоди ва меҳнатсеварлиги туфайли санъат, адабиёт ва журналистика оламига йўл топди.

У кишини ўзимга устоз деб ҳисоблайман. Бугунги кунда устозим бир қанча очерклар, ҳикоялар ва долзарб мавзулардаги мақолалар муаллифидир. Доим изланишда бўлган устозим

фақат маслаҳатчи эмас, ўрни келганда ёшлардан маслаҳат ҳам олади. Бундай инсонни устоз дейишдан фахрланаман, Зеро, у кишининг икки томонлама иқтидорига ҳавас қилса арзийди. Қўлдаги олдий қалам билан исталган нарсани суратга туширгандай тасвирлаш ва бадий безаклар орқали сўз билан ифода-лаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди.

Бундан тахминан икки йил аввал, ижодкор-устозимнинг "Фарзанд" номли ҳикояси телеэкран орқали намойиш этилганида биз жамоа билан у кишини табриклаган эдик.

Бугунги кунда Гофур ақа бўлим муҳаррири лавозимда ишлаб келмоқда. Яқинда у киши кўтул 50 ёшни қарши олди. Биз "Huquq"чилар у кишига сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий бахт ва ижодий парвозлар тилаймиз.

Икки ярим миллиондан зиёд вилоят аҳолисининг 988 минг нафарни ёки қарийб 40 фоизи вояга етмаганларни ташкил этиб, уларнинг 145 361 нафари 129 та касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таълим олмақда. Ҳар йили ўрта ҳисобда 35-37 мингдан ортиқ ёшлар касб-ҳунар коллежларини битириб, катта ҳаётга қадам ташламоқда.

Амалиётдан катта ҳаётга

Аҳоли зичлиги ва ер майдонининг чегараланганлиги билан бошқа вилоятлардан ажралиб турувчи Андижон шаҳрида аҳоли, айнисига, ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш ижтимоий вазият барқарорлигини таъминлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шу сабабли, вилоятда доимий равишда янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш масаласида алоҳида эътибор қаратилиб, бу бораларга барча имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда. Жумладан, иш жойларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳудудий Дастурга асосан жорий йилнинг ўтган даврида 43 974 та иш ўринлари яратилиб, уларнинг 10462 таси ўрта махсус касб-ҳунар таълими битирувчилари учун мўлжалланди.

Анъанавий равишда ўтказиб келинаётган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаларида 4562 нафар касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилиб, 3890 нафари ҳақиқатда ишга жойлашди. Бир неча йиллардан буён қалла-ни тез ва сифатли йиғиштириб олишда фақат андижонликларга хос бўлган, ҳокимлик вакиллари, ички ишлар ҳодимлари, қўмбанд операторлари, автомашини ҳай-

Ойбек КАРИМОВ,
Андижон вилоят
прокурори ёрдамчиси

довчилари, банк хизматчилари, ҳисобчилар, кузатувчилар ва шифокорлар таркибига ташкил этилган "отряд" услубида иш олиб боришмоқда.

"Отряд" услуби аввало, қалла йиғимини режалли ва марказлашган тартибда амалга оширилишини таъминлаб, гуруҳларга бириктирилган қўшма қўшма мутахассисларнинг фермерларга ўз вақтида керакли маслаҳатлар беришларида имкониятлар яратди. Шунингдек, ўрим-терим учун зарур бўлган техникаларни, улар учун сарфланган ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини белгиланган муддатларда дала майдонларига етказиб берилиши, бу борадаги сарф-харажатларнинг сезиларли қамийишига олиб келади. Бу услубнинг яна бир ўзига хос жиҳатларидан бири, миллий бойлигини зиёдлашган дон маҳсулотларини алоҳида назорат остида белгиланган хирмонларга етказиб берилишини қафолатлайди. Қола-верса, қалланнинг табиий муддатларда етилиши ва унинг сифати юксалишига замин яратиб, фермерларни мутахассислар билан келишган ҳолда йиғимга кириши-

шини таъминлайди.

"Отряд"лар таркибига ноанъанавий тарзда илк маротаба қишлоқ ҳўжалиги йўналишидаги 15 та касб-ҳунар коллежлари битирувчилари жалб этилиб, улар битирув амалиётларини бевосита дала майдонларида ўтказдилар. Амалиёт жараёнида битирувчилар қишлоқ ҳўжалиги техникалари, шу жумладан, илгор техник имконларга эга бўлган "Кейс" ва "Класс" русумли қўмбандларнинг иш фаолияти, имкониятлари, улардаги қўлайлик ва афзалликлар билан танишилди. Шунингдек, амалиётчилар ўзларига бириктирилган қўмбандларнинг операторларидан маъзур техникаларни бошқариш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш сир-асрорларини ўрганилди.

Қалла ўрим-йиғимига жалб этилган 277 та "Кейс" ва "Класс" русумли юқори унумли қўмбандларга 576 та битирувчи талабалар бириктирилди. Ўз навбатида битирувчиларга олинган назарий билимларни амалиётда синаш имкони берилиши билан бирга, уларнинг ҳар бирага 150 минг сўмгача бўлган ойлик иш ҳақлари тўлиниб, 33 млн. сўмдан ортиқ маблаглар ушбу максдада сарфланди. Амалиёт натижаларига кўра, ўзларининг фаолияти билан ажралиб турган 137 нафар колледж битирувчилари қўмбанд операторлари вазифасига ишга қабул қилинган бўлсалар, қолганлари ҳудудий машина-трактор паркларидан доимий иш ўринларига эга бўлишиб, дастлабки мустақил меҳнат фаолиятларини бошладилар.

Таъкидлаш жоизки, назариянинг бевосита амалиёт, яъни қалла майдонларидаги ҳўжикнинг меҳнат билан боғлиқлиги битирувчиларнинг билим ва тажрибасига ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга оидларининг моддий таъминоти янада яхшилланишига ўзларининг сезиларли ҳиссасини қўшиб, муболага бўлмайди.

Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!



Б.АХМЕДОВ,
Тошкент шаҳар
прокуратураси катта нозир

Ватанимиз ўз мустақил тараққиёт йўлининг 20 йиллигини тантана қилиш арафасида турибди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маҳалла ҳамғармаси ташаббуси ҳамда Тошкент Давлат иқтисодий университетининг бир гуруҳ мутахассислари томонидан Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўлида қўлга киритган ютуқ ва натижалари, мамлакатимизнинг салохияти ва қудрати, тўб илхотларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш, жойларда ташкилий-амалий, маданий-марифий тадбирлар, ташвиқот ва тарғибот ишларини амалга ошириш учун мўлжалланган "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" деб номли илмий-оммабоқ рисола нашрга таёрланди.

Маъзур тўплам кенг қитобхонлар, хусусан, талаба-ёшлар, тадқиқотчи илханувчилар, магистрантлар ва жойларда ташвиқот ишларини олиб борадиган илмий ҳодимлар учун мўлжалланган бўлиб, унинг тадқиқоти муносабати билан Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларининг шаҳар ва туманларида ўтказилган учрашувларда истиқлол йилларида тўплаган тажрибалар, босқичма-босқич ривожланиш жараёнида қўлга киритилган ютуқлар, эришилган

самаралар хусусида мулоҳаза юритилди.

Рисолани ўқиган ҳар бир қитобхон Ўзбекистоннинг ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидаги дастлабки қадамлари ва ҳозирда эришган ютуқлари, Парламент тизимидаги илхотлар, бир палатадан икки палатали тизимга ўтганлигимиз, қучли ижро этувчи ҳокимият шаклланилиши ва ҳозир Ўрт-босқимчи илгари сурган концепция асосида ижро этувчи ҳокимият ва суд-ҳуқуқ тизимидаги илхотлар ҳамда судларни иқтисослаштириш жараёни бўйича жуда қимматли маълумотларни олиш мумкин.

Шунингдек, рисолада 20 йиллик тараққиётимиз илмий-амалий ҳулосалар асосида баён этилган бўлиб, эътиборли жиҳати илхотларнинг ҳар бир босқичига алоҳида ёндашилган. Беш босқинг ҳар бир саҳифасида ўзбек моделининг амалдаги аҳамияти очиб берилган.

Қўлланма сарҳисоб бўлиш билан бир қаторда маданий-марифий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини оширишда ноёб манба ҳисобланади. Ушбу рисола кенг қитобхонлар омма-сига мўлжалланган. Шунингдек, ундan Олий таълим муассасалари талабалари, коллеж ва академик лицей ҳамда мактаб ўқувчилари таълим жараёнида илмий манба сифатида ҳам фойдаланишлари мумкин.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Yusupboy GOIPOV
Svetlana ORTIQOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir
o'rinbosari)
Shavkat YODGOROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

233-10-53

Faks: 233-10-53,

233-64-85

Gazeta haftanang payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr to'stiki
131

Tahririyatga kelgan qo'yilmalar taqdir qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat qaytari nazardan qaralganligi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
① — tijorat material.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma j-2554, 51 890 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: D.XALILOV

Musahhir: M.QAMBAROV

Navbatchi: O' DEHONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda O'188-raqam bilan ro'y xatga olingan.

ISSN 2010-7437

